

КОРАКАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР

*Сейтимбетова Наргиза Мынсызбаевна, Бердақ номидаги
Қарақалпоқ давлат университети “Археология”
кафедрасы доценти*

DEMOGRAPHIC PROCESSES IN THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN

*Seytimbetova Nargiza Minsizbaevna, Associate Professor of
the Department of Archaeology, Karakalpak State University
named after Berdakh*

ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ В РЕСПУБЛИКЕ КАРАКАЛПАКСТАН

*Сейтимбетова Наргиза Мынсызбаевна, доцент кафедры
Археологии Каракалпакского государственного
университета имени Бердаха*

Аннотация: Мақолада Қарақалпогистон Республикада күп миллатлы аҳолининг таркиб топиш тарихи, уйбу ҳудудда яшовчи халқларнинг дўстлик муносабатлари тарихи, мустақиллик ўйларида күп миллатлы аҳолининг демографик кўрсаткичлари, миграция жараёнлари ҳақида сўз этилади.

Калим сўзлар: миллат, күп миллатлилик, этнос, миллий таркиб, халқлар дўстлиги, мослашув, тугилиш, ўлим, миграция.

Abstract: The article discusses the history of the formation of the multinational population in the Republic of Karakalpakstan, the history of friendly relations between the peoples living in this region, demographic indicators of the multinational population during the years of independence, and migration processes.

Key words: nation, multinationalism, ethnus, national composition, friendship of peoples, adaptation, birth, death, migration.

Аннотация: В статье рассказывается об истории формирования многонационального населения в Республике Каракалпакстан, истории дружественных отношений народов, проживающих в этом регионе, демографических показателях многонационального населения в годы независимости, миграционных процессах.

Ключевые слова: нация, многонациональность, этнос, национальный состав, дружба народов, адаптация, рождаемость, смерть, миграция.



<https://orcid.org/0000-0003-4133-0914>

seytimbetovanargiza@umail.uz

Кириш. Аҳолининг миллий таркибининг шаклланиши мураккаб ва узқ давом этадиган жараён бўлиб, унга бир-бирига боғлиқ географик, тарихий, этник, демографик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий характерга эга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Қорақалпоғистонда кўп миллатли аҳолининг таркиб топиши, юқорида таъкидланганидек, узқ тарихий жараённинг маҳсули ҳисобланади. Бу хақда халқларнинг қадимги тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи «Авесто», юонон-рим муаллифларининг асарлари, ўрта асрларда юртимизда яшаб ўтган олимлар, сайёхлар, шунингдек, худудда олиб борилган илмий экспедициялар, тарихчи олимларнинг ҳозиргача етиб келган маълумотларидан билиш мумкин.

Ўлка худудидаги халқларнинг маълум даврларда бир неча маротабалаб кўчишлари, вайронгарчилик келтирувчи шиддатли урушлар, турли ҳукмдорларнинг жанг-жадаллари — буларнинг барчаси демографик жараёнларда ўз аксини топди.

Асрлар давомида турли истилочилар: Кир II, македониялик Искандар, араб халифалиги, Чингизхон, Россия империяси юртимизга талончилик ва мустамлакачилик мақсадида юриш қилди. Амир Темурнинг давлат фаолияти даврида эса бошқа халқларнинг вакиллари бу ерга кўчиб кела бошлади [1,57].

Бу ерга келган халқларнинг вакиллари яшайдиган ҳудудлар пайдо бўлди, янги шаҳарлар пайдо бўлди. Истилочилик ва мустамлакачилик натижасида бу ерга янги тил, дин ва маданий қадриятлар кириб келди, янгича маданият кириб келди. Бу жараёнларнинг ҳаммаси мамлакатнинг миллий таркибига ўз таъсирини кўрсатган.

Шундай қилиб, узоқ давом этган тарихий жараёнлар давомида Ўзбекистон аҳолисининг хилма-хил этник таркиби шаклланди, натижада вужудга келган иирик элатлар XIX аср охири — XX аср бошларида миллатларни шакллантириш йўлига ўтдилар, шунингдек, миграция асосида турли этник гурухлар ҳам вужудга келди [2,58].

Адабиётлар таҳлили ва методология. Мақола тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда мустақиллик

йилларида мазкур муаммо бўйича илмий мақолалар, китоблар, матбуот материаллари, шунингдек статистик маълумотлар таҳлил қилинган.

Муҳокама. Қорақалпоғистоннинг кўп миллатли таркибининг шаклланиши республика аҳолисининг табиий ҳолати ва туғилиш каби демографик жараёнларнинг ривожланишидаги тафовутларнинг маълум даражасига боғлиқ.

Туғилиш ҳар доим ҳам аҳолининг кўпайишини таъминлайдиган муҳим демографик жараён бўлиб келган. Қорақалпоғистонда туғилиш коэффициенти ўзгаришини унинг умумий коэффициенти ёрдамида кўрсатиш мумкин. Туғилиш даражаси динамикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистонда 1991-2018 йилларда туғилишнинг умумий даражаси 15,3% га камайди.

1990 йилларда туғилиш тез пасайиб кетди. 1991 йилдан 2000 йилгача туғилишнинг умумий даражаси 12,9% га, 2000-2018 йилларда яна 2,4% га камайди. Қорақалпоғистон — туғилиш даражаси нисбатан паст бўлган Ўзбекистон Республикасининг 14 та минтақасидан бири бўлиб қолмоқда. Туғилиш даражаси бўйича факат Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятлари Қорақалпоғистондан орқада қолмоқда. Сўнгги 10 йил ичida Ўзбекистонда туғилиш даражаси 0,1 фоизга, Қорақалпоғистонда эса 3,1 фоизга камайди [3]. Бунинг асосий сабаблари иқтисодий-ижтимоий омиллар ҳамда давлат томонидан амалга оширилаётган оилани режалаштириш бўйича чора-тадбирлар натижаси эди [4,144].

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг туманлар кесимида демографик ўсиш кўрсаткичлари таҳлили бўйича, аҳолининг қарийб ярми (48,7%) Амударё дельтасида минтақанинг жанубий қисмида яшайди. Масалан, Орол денгизи яқинидаги Мўйноқ туманида аҳоли сони 1989 йилда 27,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб у 3,9 минг кишига камайди. Қўнғирот ва Хўжайли туманларида 1991 йилдан 2019 йилгача аҳоли мос равища 46% дан 27,7% га камайди. Ушбу даврда минтақанинг жанубий қисмида, яъни Беруний, Тўртқўл, Амударё, Элликқалъа

туманларидаги демографик ўсиш анча юқори бўлган [5].

Ўлим даражаси маълум вақт давомида аҳолининг соғлиғи ҳолатини акс эттиради. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида соғлиқни сақлаш тизими мустаҳкамланган бўлса-да, айрим касалликларга чалиниш кўпайган. Натижада, болалар, ўсмиirlар ва оналар ўлими кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлиб қолмоқда. Қорақалпоғистон Ўзбекистонда оналар, ўсмиirlар ва болалар ўлими кўрсаткичлари бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга, минтақада ўлимнинг юқори даражаси Орол дengizining қуриши, тоза ичимлик суви етишмаслиги, атмосфера ҳавоси ва тупроқ сифатининг ёмонлашиши билан боғлиқ. Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмida (Орол дengizi яқинida) – Мўйнок, Тахтакўпир, Кегейли, Қонлиқул, Чимбой туманларида ўлим даражаси Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон бўйича ўртacha кўrсаткичдан юқори, чунки бу туманлар аҳоли саломатлигига салбий таъсири кўrсатадиган экологик инкиrozдан энг кўп зарар кўрган жойлардир [6].

Сўнгти пайтда Қорақалпоғистонда аҳоли сонининг ўсиши ва унинг жойлашувига бевосита таъсири қилаётган омиллардан бири худудда рўй берадиган миграция жараёни ҳисобланади. Бу жараён республикада эмиграциянинг иммиграцияга нисбатан юкорилиги ва бунинг оқибатида миграциянинг мусбат сальдосининг ўсиши билан аҳоли сони ўсиш кўrсаткичининг камайиб боришида ўз ифодасини топган [7]. Масалан, кўчиб келганлар сони 2020 йилда 7778 кишини ташкил қилган бўлса, кўчиб кетганлар сони эса 2020 йилда 12517 кишини ташкил қилди [8]. Дарҳақиқат, миграциянинг ривожланишига худудда юзага келган экологик шароит ва бозор муносабатларига ўтиш давридаги янги ижтимоий-иктисодий ҳолат таъсири қилди. Шунингдек, миграция жараёнида тарихий омил, миллий ва этник омилларнинг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда.

Мамлакатнинг миграция тарихи катта ва мураккаб даврни ўз ичига олади. Асосан, 1930 йиллардаги қуруқлик вақтида Ўзбекистонга кўплаб қозоқ ҳалқарнинг кўчиб келиши кучайган. Ушбу даврда минтақанинг иқлими ва табиий шароити шолицилик ва чорвачилик учун қулай бўлганлиги ушбу минтақага корейс ва

қозоқ миллати вакилларининг кўчиб келишига асосий омил бўлди. Шуни таъкидлаш керак, ўша даврда айрим ҳалқлар Марказий Осиё республикаларига сургун қилинган [9].

Бундан кейинги даврда, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида аҳоли ва саноатнинг шарққа, асосан Ўзбекистонга кўчирилиши сабабли республикага янада кўпроқ миллат вакилларининг кўчиб келиб жойлашишига сабаб бўлди. Кейинчалик, Ўзбекистонга мутахассис кадр ва ишчилар, асосан рус, украин, беларус ва бошқа миллат вакиллари кўчиб келган. Бу жараёнлар Қорақалпоғистон аҳолисининг миллий таркибининг шаклланишига маълум даражада таъсири кўрсатди [10].

Кўп миллатли республикада Орол дengizining қуриб бориши билан минтақадаги экологик вазият натижасида табиатга, аҳолининг соғлигига салбий таъсири, иқтисодий-ижтимоий омиллар худудда этник миграциянинг ривожланишига олиб келди. Ташки миграциянинг катта оқими Қорақалпоғистоннинг шимолий ва марказий туманлари учун хос бўлиб, бу худудлар миграция жараёнини пайдо этувчи юкоридаги омилларни ўзида мужассам этади [11].

Натижалар. Ўрта Осиёда қадимдан макон босган қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, туркман ҳалқларининг тақдирни азалдан Орол дengizi билан чамбарчас боғлиқ эди. Орол бўйи худуди ушбу ҳалқарнинг ҳалқ бўлиб шаклланишида катта ўрин эгаллади, яъни унинг бешиги бўлди [12,331]. Масалан, туркман ҳалқининг шаклланишида катта роль ўйнаган ўғузлар қорақалпоқларнинг таркибига ҳам киради. Қозоқ ҳалқининг шаклланишида асос бўлган қипчоқлар, қорақалпоқларда бор. Қорақалпоқлар ўзларининг шаклланиши даврларида ўзбек ҳалқининг асоси бўлган хоразмликларга ҳам аралашади ва улар билан доим бирга яшаб келди. Ўзбекларнинг таркибида бор бир қанча қавмлар қорақалпоқларда ҳам бор [13,13].

Академик С.Камаловнинг «...қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, туркман ҳалқларининг тақдирни бир. Орол бўйи - уларнинг ҳалқ бўлиб шаклланишининг қадим замонлардан бешиги бўлиб ҳисобланади. Уларнинг дўстлигининг илдизлари жуда чукурда, қандай оғир ахвол бўлмасин, уларнинг дўстлигини, бирдамлигини буза олмайди» [14,13] деб таъкидлаганидек,

қарақалпоқ халқига хос бўлган меҳмондўстлик, ғамхўрлик ва бағрикенглик фазилатлари ушбу муқаддас заминда яшовчи халқлар дўстлигининг гарови ҳисобланади.

Хуноса. Минтақадаги демографик жараёнлар Қарақалпоғистон Республикасида яшовчи барча миллатларнинг ҳаёт тарзига таъсир этди, Орол денгизининг қуриши натижасида пайдо бўлган иқтисодий-ижтимоий, экологик муаммолар натижасида бир нечта миллат вакилларининг кўчуб кетиш жараёнлари юз берди. Буларнинг ҳаммаси республика миллий таркибида демографик ўзгаришларга олиб келди.

Қарақалпоғистон Республикасининг миллий таркибида мустақиллик йилларида, шунингдек, фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ривожланаётган бир шароитда хорижий инвестициясининг жалб этилиши, янги саноат корхоналарининг қурилиши, чет эллик мутахассисларнинг тортилиши натижасида хорижий мигрантларнинг кириб келиши жараёни юз бермоқда. Бу миллатлараро муносабатларга таъсир этувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Т.: Университет, 2007, 57-б.
- 2.Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Т.: Университет, 2007, 58-б.
- 3.Джумабаева Ш. Х. Демографический потенциал Республики Каракалпакстан // Народонаселение.— 2020. — Т. 23.— № 3.— С. 147 DOI: 10.19181/population. 2020. 23.3.13

- 4.Джумашев А., Нуржанов С., Уразова Л., Таджиева Р. Қарақалпақстан тарийхы (1991-2015 йиллар). -Н. «Илим», 2018. -144-б.
- 5.Джумабаева Ш. Х. Демографический потенциал Республики Каракалпакстан // Народонаселение.— 2020. — Т. 23.— № 3.— С. 146 DOI: 10.19181/population.2020.23.3.13
- 6.Джумабаева Ш. Х. Демографический потенциал Республики Каракалпакстан // Народонаселение.— 2020. — Т. 23. — № 3.— С. 148 DOI: 10.19181/population.2020.23.3.13
- 7.Ембергенов Н. Қарақалпақстан Республикаси аҳолисининг ўсиши ва жойланишидаги ўзгаришлар. Т.2011/ <https://diss.natlib.uz/tanishish/15853cbe-1135-483f-a4d9-013d091527af>
- 8.Қарақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси материаллари. –Нукус. 2021
9. Ембергенов Н. Қарақалпақстан Республикаси аҳолисининг ўсиши ва жойланишидаги ўзгаришлар. Т. 2011/<https://diss.natlib.uz/tanishish/15853cbe-1135-483f-a4d9-013d091527af>
10. Ембергенов Н. Қарақалпақстан Республикаси аҳолисининг ўсиши ва жойланишидаги ўзгаришлар. Т.2011/ <https://diss.natlib.uz/tanishish/15853cbe-1135-483f-a4d9-013d091527af>
- 11.Seytimbetova, N. M. (2022). International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding.
- 12.«Қарақалпоғистоннинг янги тарихи. Қарақалпоғистон XIX асрнинг иккинчи ярмидан XXI аср бошигача» Н. «Қарақалпақстан», 2003, 331-б.
- 13.Камалов С.К. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесиёй ҳэм оның мәмлекетлигинин тарийхынан.– Нөкис. 2001. – 13-б.
- 14.Камалов С.К. Қарақалпақлардың халық болып қәлиплесиёй ҳэм оның мәмлекетлигинин тарийхынан.– Нөкис. 2001. – 13-б.